

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАСАИДОВА ЛОЛА ШАМАКСУДОВНА

ХИТОЙ ТИЛИДА ОЎЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ
(ЎЙИН МЕТОДЛАРИ АСОСИДА)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(хитой тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy on
pedagogical sciences (PhD)**

Шасаидова Лола Шамаксудовна

Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш усуллари

(ўйин методлари асосида)3

Шасаидова Лола Шамаксудовна

Способы развития устной китайской речи

(на основе игровых методов).....25

Shasaidova Lola Shamaksudovna

Enhancing Oral Speech Methods in the Chinese Language

(based on game teaching methods).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАСАИДОВА ЛОЛА ШАМАКСУДОВНА

ХИТОЙ ТИЛИДА ОЎЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ
(ЎЙИН МЕТОДЛАРИ АСОСИДА)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(хитой тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2019.1.PhD/Ped815 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакнева Гуландом Ҳисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳашимова Дилдора Ўрибаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Зиямухамедов Жасур Ташпулатович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» декабр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «17» декабр кuni тарқатилди.

(2020 йил «17» декабр даги 19 рақамли реестр баённомаси).



Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси в.б., филол. ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д.

Л.Т.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда давлатлараро ҳамкорликда очиклик тенденциясининг эътироф этилиши самарали маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Жумладан, АҚШ, Канада, Япония, Корея, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерациясининг етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида тилшунослик, дидактика, лингводидактика, психология ва методика соҳаларида чет тилида оғзаки нутқнинг лингвистик жиҳатларини, нутқнинг стилистик хусусиятларини аниқлаш, ўрганилаётган тил тараққиёти доирасида асосий экстралингвистик омиллар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг таниқли Гарвард, Огайо, Ньюкастл, Сеул, Чинхуа, Пекин университетлари ҳамда етакчи илмий муассасаларида хитой тилини ўқитишнинг инновацион метод ва технологиялари доирасидаги тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга молик. Шу жиҳатдан замонавий синологик лингводидактикада талабалар оғзаки нутқини ривожлантиришда реал аутентик вазиятларни имитацияловчи Learning through playing, Gamifying, Game-Based Learning каби ўйинга асосланган интерфаол методларни қўллаш оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг функционал, лингвопсихологик жиҳатларини ўрганиш, бу борада илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда уларни хитой тили таълимига жорий этиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда хитой тилининг ЎзДЖТУ, ТДШУ, СамДЧТИ, Конфуций институтлари, Хитой миллий маданий марказида асосий чет тили сифатида, шунингдек, республикамизнинг бир қатор ОТМларида иккинчи чет тили сифатида ўқитилиши, юзлаб ўқув марказларида хитой тили курсларининг ташкил этилганлиги, уларда маҳаллий ўқитувчилар билан бир қаторда Хитойнинг нуфузли ўқув юртларидан келган волонтер ўқитувчиларнинг дарс беришлари юртимизда хитойшунослик илмининг ривожланиб бораётганининг исботидир. Мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, «Бир макон – бир йўл» дастури доирасидаги ҳамкорлик кўлами кенгайиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи чоғида «Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда, айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида хитой тили таълими бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш, Хитойнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш масалалари, соҳа бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитойга ташрифи. Газета.uz. электрон ресурс. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/04/25/meeting-china/>. (мурожаат санаси: 30.09.2019).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги ВМҚ-174-сон «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги ВМҚ-816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада хорижий тилни ўқитиш муаммолари Г.Х.Бакиева, Ж.Жалолов, Л.Т.Ахмедова, Д.У.Хошимова, М.Джусупов, Д.Р.Джуманова, И.М.Тўхтасинов² каби олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Хитой тилини ўқитиш масалалари ўзбекистонлик ва хорижлик тадқиқотчилардан А.А.Каримов, Ж.Т.Зиямухамедов, С.А.Носирова, С.А.Назарова, Д.М.Жўраев, И.В.Кочергин, Н.А.Дёмина, Т.Л.Гурулёва,

²Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. – Ausbage, 2018. №3 – P. 49-55.; Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т., 2012. – 432 б.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 200 с.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковых взаимодействий: Дис...докт. пед. наук. – Т., 2007. – 209 с.; Джусупов М. Билингвальное образование: проблема звуковой и лингвокультурной интерференции. // Вестник РУДН. 2017. №3 – С. 351-358.; Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дис. ... докт. фил.наук. – Т., 2016. – 266с.

И.В.Есаулов, О.А.Масловец, Ченг Чанглай, Лю Шанвэй, Чжан Дунсю, Сунь Сичунь ва J. Gao Lourigan³ларнинг ишларида ёритилган.

Ўйин назариясини ўрганиш, унинг таълимдаги ўрни ҳамда амалий аҳамиятига оид жиҳатларига Ф.Шиллер, Г.Спенсер, К.Кофка, Ж.Пиже, Д.Б.Эльконин, С.Л.Рубинштейн, Г.К.Селевко, Фенг Лилин, Шуйи Гуан⁴ каби хорижий лингводидакт ва психолог олимларнинг илмий изланишларида алоҳида эътибор қаратилган.

Олий ўқув юртлари ўқув ва тарбиявий жараёнларида ўйинлардан фойдаланишнинг психологик-педагогик ҳамда методологик асосларини яратиш масалалари П.И.Пидкасистий ва Ж.С.Хайдаров (ўргатувчи ўйинлар), В.А.Трайнев (ўйинли моделлаштириш методлари), И.В.Гладкина (ўйин методлари), Чжоу Цзянлар (课堂教学技巧)⁵ томонидан ўрганилган.

Олий ўқув юртлари талабаларини чет тилида оғзаки нутққа ўргатиш ва тил таълимида ўйин методидан фойдаланиш масаласи кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, Ўзбекистонда филологик йўналиш талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ўйин методлари асосида ривожлантириш юзасидан махсус тадқиқот иши амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида

³Каримов А.А. Ўзбек талабаларига хитой тилинигишида қиёсий услубдан фойдаланиш аҳамияти. // Етук мутахассисларни тайёрлашда замонавий педагогик технология ва интерактив усулларнинг самарадорлиги. –Т., 2002, Б.54–56; Ziyamuxamedov J.T. Xitoy tili o'qitish metodikasi. – Т., 2020. – 255 б.; Носирова С.А. Хитой тили. Дарслик. – Т., 2016. – 224 б.; Назарова С.А. Хитой тилига ўқитишда талабаларнинг чет тили лексик компетенциясини такомиллаштириш. Пед.фан.фал.д-ри ...дисс.автореф. – Т.: 2018. – 55 б.; Жўраев Д.М. Хитой тилида талабаларнинг лингвокультурологик компетенциясини шакллантириш. Пед.фан.фал.д-ри ...дисс.автореф. Т., 2019. – 48 б.; Кочергин И.В. Очерки методики обучения китайскому языку. – М.: Муравей. 2000. – 160 с.; Дёмина Н.А. Методика преподавания практического китайского языка. 2-изд., испр. и доп. – М.: Вост. лит, 2006. – 88 с.; Гурулева Т.Л. Теория обучения китайскому языку и переводу (в языковой паре китайский-русский). Межкультурная лингводидактика: монография – М.: Вост. книга, 2019. 238 с.; Есаулов И.В. Оптимизация содержания обучения китайскому языку на языковых курсах: Дис. ...канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2008. –141 с.; Масловец О.А. Методика обучения китайскому языку в средней школе. – М.: Восточная книга, 2012. – 184 с.; Лю Шанвэй, Чжан Дунсю, Сунь Сичунь. Хитой тилини чет тили сифатида ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Пекин: Чинхуа Университети нашриёти, 2017 – 280 б. 刘上魏, 张冬秀, 孙熙春编著对外汉语教学理论与实务. – 北京: 清华大学出版社, 2017. – 238 页.; J.Gao Lourigan. Experiential Learning and Foreign Language Teaching: Native Chinese Teachers' Experiences of Teaching Chinese as a Foreign Language to American College Students and Learning Abroad at a Midwest Private Liberal Arts College. Doctor of Education. Aurora University. 2015. – 243 p.

⁴ Маллаев Д.М., Гасанова Д.И. Теория и практика психотехнических игр. – М.: Владос. 2013. – 200с.; Эльконин Д.Б. Психология игры. 2-е изд. – М., 1999. – 304 с.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2009. – 713 с.; Селевко Г.К. Современные образовательные технологии – М.: Академия, 1998. – 255 с.; Фенг Лилин. Таълимдаги ўйин фаолияти. Пед. фан. д-ри. дисс. ... – Хитой, 2008. – 188 б. 冯李林. 教学的游戏性研究. 博士学位论文. 湖南. 2008. 188页.; Shuyi Guan. Cognitive and emotional effects of learning chinese by playing an online game. Doctor of philosophy. State University of New York. 2015. – 103 p.

⁵ Пидкасистый П.И., Хайдаров Ж.С. Технология игры в обучении и развитии: – М.: Рос.пед. агентство, 1996. – 268 с.; Трайнев В.А. Методы игрового моделирования и интенсивные учебные процессы – М.: Гардарики, 2003. – 214 с.; Гладкина И.В. Развитие творческой активности студентов на основе использования игровых методов обучения иностранному языку: Дис. ... канд. пед. наук. – Ростов-на Дону, 1999. – 178 с.; Чжоу Цзянь. Хитой тилида дарс ўтишининг 325 маҳорати. – Пекин: Тижорий нашриёт, 2009. – 403 б. 周建汉语课堂教学技巧325列. 北京:商务印书馆出版社, 2009. 403页.

илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Чет тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ўйин методлари асосида ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оғзаки нутқ ва унинг хусусиятлари, хусусан, чет тилида оғзаки нутқни ривожлантириш масаласининг ёритилишини илмий ҳамда назарий жиҳатдан ўрганиш;

талабалар оғзаки нутқида учрайдиган тиллараро интерференцияга хос типик хатоларни таҳлил этиш;

хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришда қўлланиладиган усуллар ҳамда машқ ва топшириқларни аниқлаш;

талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришда ўйин методларининг ўрни, роли ва аҳамиятини аниқлаш;

хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилган лингводидактик ўйинлар типологиясини такомиллаштириш;

талабаларнинг хитой тилида оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган лингводидактик ўйин-топшириқларнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ривожлантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ўйин методлари асосида ривожлантиришнинг мазмуни, шакли ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқа) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар оғзаки нутқида учрайдиган фонетик (сегмент ва супрасегмент даражадаги), лексик (плеоназм, сўзларни ўз маъносида қўлламаслик), грамматик (морфологик, синтактик) ва лингвокультурологик аспектга оид интерференцион хатолар error analysis методи орқали аниқланган;

ўйин методининг дидактик компоненти сифатида экстериоризацион (имитатив, таҳлилий – фарқлаш, тезкор – машғулот, конструкцияловчи, нутқни юзага келтирувчи) усулларга асосланган креатив ҳамда тренинг машқлар таклиф этилган;

хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилган лингводидактик (лисоний, нутқий, маданиятлараро мулоқот) ўйинлар типологияси моделлаштириш методи орқали такомиллаштирилган;

илк бор талабаларнинг хитой тилида оғзаки нутқини ривожлантиришга йўналтирилган ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти тил аспекти ва нутқ фаолияти турлари интеграцияси асосида инновацион арт технологиялар (драматерапия, видеотерапия, психогимнастик машқлар) ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ўйин методлари асосида ривожлантиришга қаратилган лингводидактик ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти яратилган;

филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилида оғзаки нутқини ўйин методлари асосида ривожлантириш бўйича дарс ишланмалари ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик усуллар воситасида таҳлил қилиниб далилланганлиги ва олинган натижалар самарадорлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий фикрлар ва таклиф этилган услубий тавсиялардан филологик йўналиш талабаларига хитой тилини ўқитиш мазмуни ҳамда методик тизимини такомиллаштириш, хитой тили таълими жараёни самарадорлигини оширишда татбиқ этиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган лингводидактик ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти, ўйинларни ишлаб чиқиш ва мавжуд ўйинларни модификация қилиш бўйича методик тавсиялар ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий, амалий машғулотларда, шунингдек, хитой тили таълими бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш усуллари (ўйин методлари асосида) юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

error analysis методи орқали аниқланган талабалар оғзаки нутқда учрайдиган фонетик (сегмент ва супрасегмент даражадаги), лексик (плеоназм, сўзларни ўз маъносида қўлламаслик), грамматик (морфологик, синтактик) ва лингвокультурологик аспектга оид интерференцион хатолар таснифидан «Бир макон, бир йўл» халқаро лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 01-12-14-2799-сон маълумотномаси). Натижада хитой тилини ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган методик ва дидактик тамойиллар маданиятлараро мулоқот доирасида оммалаштирилган;

ўйин методининг дидактик компоненти сифатида таклиф этилган хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришда қўлланиладиган экстериоризацион (имитатив, таҳлилий – фарқлаш, тезкор – машғулот, конструкцияловчи, нутқни юзага келтирувчи) усулларга асосланган креатив ҳамда тренинг машқлар тизимидан ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳамда «Хитой тили» фани ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 26 ноябрдаги 01-07-1441-сон маълумотномаси, Конфуций номидаги ўзбек-хитой институтининг 2019 йил 23 декабрдаги 220/19-сон маълумотномаси, Хитой Халқ Республикаси Ғарб ва Шарқ миллатлари университети ва Ланжоу шаҳри Маданиятлараро мулоқот ва таржима институти томонидан берилган маълумотнома). Натижада хитой тилига ўқитишнинг методик таъминоти бойитилган ҳолда талабаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

моделлаштириш методи орқали такомиллаштирилган хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилган лингводидактик (лисоний, нутқий, маданиятлараро мулоқот) ўйинлар типологиясидан Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг «Шарқ филологиясини ўқитишнинг замонавий методлари» модулининг ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2020 йил 12 июндаги 10-05/68-сон маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг малакасини ошириш курслари машғулотлари мазмунан бойитилган;

тил аспектлари ва нутқ фаолияти турлари интеграцияси асосида инновацион арт технологиялар (драматерапия, видеотерапия, психогимнастик машқлар) ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштирилган ўйин-топшириқларнинг методик таъминотидан «Жаҳон банкининг Академик инновациялар фонди» гранти асосида амалга оширилган AIF-1/2 рақамли «Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида «Ўқув-илмий комплекс» ташкил этиш» мавзусидаги лойиҳада «Ўқув-илмий комплекс» яратиш билан боғлиқ технологик ва методик ишланмаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 июлдаги 89-03-2397-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклифларнинг жорий қилиниши ўқув материалларининг тизимлаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, асосий матн 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришнинг назарий ва методик асослари**» деб номланиб, унда хорижий тил сифатидаги хитой тили оғзаки нутқ таълимининг умумий методикалари, хитой тили таълими жараёнида талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсадида мавзуга доир маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, талабалар оғзаки нутқда учрайдиган тиллараро интерференция таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган типик хатолар, оғзаки нутқни ривожлантиришда қўлланилган методик усуллар ва уларнинг таснифлари ёритилган.

Хитой тили ўқитиладиган олий ўқув юртларининг ўқув дастурларида талабалар томонидан 3000 та иероглиф ҳамда улар ёрдамида ифодаланган 4500-5000 та лексик ва фразеологик бирликларни фаол эгаллашлари кўзда тутилган. Сиёсий-ижтимоий адабиётларни ўқий олиш учун эса 5-6 минг иероглифни ёд олиш талаб этилади. Хитой тили ёзма нутқи ўзида қадимги хитой тили венъян элементларини сақлаб қолган бўлиб, унинг оғзаки нутқдан бирмунча фарқланиши сабабли талабалар асосий эътиборни оғзаки нутққа нисбатан ёзма нутққа қаратади. Хитой тили таълимидаги назарий билимларга урғу бериш доминацияси аксарият битирувчиларнинг назарий билимларни чуқур эгаллашлари, хатто, мураккаб матнларни таржима қила олишларини таъминлаган бўлишига қарамасдан, уларда оғзаки нутқ етарлича ривожланмаганлигига сабаб бўлмоқда. Талабаларда оғзаки нутқни ривожлантириш ва мулоқотга йўналтиришни тадқиқ этиш, шунингдек, ушбу

масала чет тили ўқитиш методикасига оид ишларда қандай талқин этилганлиги, бу борадаги амалий таклифлар нималардан иборат эканлигини ўрганиш даркор.

Хусусан, мавзуга доир фикрлар Ж.Жалолов, З.Салишева, А.Н.Щукин, Н.Д.Гальскова ва Н.И.Гез, И.А.Зимняя, Л.П.Солонцова, И.В.Кочергин, Н.А.Демина, Ли Жу ва Цзян Липин каби тадқиқотчиларнинг ишларида тилшунослик, умумий педагогика, дидактика, лингводидактика, психология ва методика фанлари нуқтаи назаридан тавсифланган.

Тадқиқотимиз жараёнида илмий-методик адабиётлар таҳлил қилиниб, хорижий тилда, хусусан, хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш масаласи турли йўналишларда ўрганилди ва улар умумий масалаларга тегишли, деган хулосага келинди. Бироқ тадқиқот мавзуси доирасидаги таълим жараёнини оптималлаштириш имконини берадиган яқдил амалий таклифлар йўқлиги ва ҳануз ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжудлиги тадқиқотнинг долзарблигига ишора қилмоқда.

Ўқув жараёнида муносабатга киришадиган тилларнинг қиёсий таҳлили ва натижаларни таълим жараёнида босқичма-босқич тадқиқ этиш, машқлар тизимини ишлаб чиқиш лингводидактик таҳлилнинг вазифаси бўлиб, тадқиқотимиз учун муҳим аҳамият касб этди. М.Джусуповнинг таъкидлашича, «лисоний алоқа индивиднинг она тили бўлмаган тилни эгаллашнинг барча босқичида содир бўлади. Иккинчи тилни эгаллашнинг ҳар бир босқичида лисоний алоқа ўрганувчининг онгида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қоидага кўра, унинг она тили бўлмаган тилнинг оғзаки ва ёзма нутқини эгаллаганлик даражасига мос келади»⁶.

Замонавий методик изланишларда лисоний ва нутқий хатоларнинг турли таснифи келтирилган. Хитой тилини чет тили сифатида ўқитиш бўйича қатор илмий ишлар муаллифи Чэнг Чанглай лисоний хатоларни икки турга бўлади: янглиш сўз (失误shīwù-mistake) ва хато (偏误piān wù-error). Оғзаки ва ёзма мулоқот чоғида янглиш сўзлар ҳис-ҳаяжонли ва шошилишч вазиятларда, фикрни жамлай олмаган ҳолатларда ҳамда кутилмаган вазиятларда пайдо бўлиб, уларни тизимлаштириш ва таҳлил қилишга ҳожат йўқ. Ҳатто она тилида сўзлаш жараёнида бундай янглиш сўзлар учраб туради. Хатолар эса (иккинчи тури) чет тилини ўқитиш методикасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, босқичлари, таснифларини аниқлаш ўқитиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади⁷. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, талабалар оғзаки нутқида учрайдиган типик хатолар таҳлилин (error analysis) ўқув жараёнини бошқариш ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи усул, дея эътироф этиш ўринлидир.

Тадқиқот доирасида тиллараро интерференция (ўзбек ва хитой тиллари) таъсирида бошланғич босқич талабаларининг оғзаки нутқида учрайдиган хатоларга доир қуйидаги тасниф шакллантирилди (1-жадвалга қаранг).

⁶Джусупов М. Билингвальное образование: проблема звуковой и лингвокультурной интерференции. // Вестник РУДН. 2017. №3 – С. 351.

⁷Чэнг Чанглай. 陈昌来。对外汉语教学概论。复旦大学出版社。2005年。276页。

Филологик йўналиш бошланғич босқич талабаларининг хитой тилидаги оғзаки нутқида учрайдиган тиллараро интерференцияга хос типик хатолар таснифи

Фонетик хатолар	Сегмент бирликлар даражасидаги хатолар	Ўзбек тилида мавжуд бўлмаган хитой тилидаги товушлар талаффузи билан боғлиқ хатолар: тил усти товушлари j[te], q[te '], x[ε] , тил учи орқа товуши r[r] ва ü унли товуши талаффузи
	Супрасегмент бирликлар даражасидаги хатолар	Хитой тилида тонларнинг нотўғри талаффузи билан боғлиқ хатолар. Хитой тилида тон маъно фарқловчи вазифани бажариб, нотўғри талаффуз қилиш сўз маъносининг ўзгаришига сабаб бўлади.
	Сегмент бирликлар даражасидаги хатолар	Тон сандхиси, яъни нутқ оқидамида тоннинг бошқа тонлар билан жойлашган ўрнига кўра ўзгариши ҳақидаги билимларга эга бўлмаслик билан боғлиқ хатолар
	Супрасегмент бирликлар даражасидаги хатолар	Хитой ва ўзбек тилларидаги мослашув хусусиятлари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган хатолар
Лексик хатолар	Нутқда ортиқча сўз ишлатиш (плеоназм)	Ўзбек тилидан хитой тилига гапларни калькалаш натижасида келиб чиқадиган хатолар
	Лексик мослашув нормаларининг бузилиши	Хитой ва ўзбек тилларидаги мослашув хусусиятлари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган хатолар
	Сўзларни нотўғри қўллаш	Омоним ва синонимларни нотўғри қўллаш билан боғлиқ хатолар. Хитой тилида бўғинлар сонининг чеклангани нафақат бир бўғинли, балки икки бўғинли сўзлар такрорланиши омонимларнинг кўп миқдорда бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, хитой тили лексикаси синонимларга бой
Грамматик хатолар	Гапда сўз тартиби билан боғлиқ синтактик хатолар	Хитой ва ўзбек тилларида гап бўлаклари тартиби ўртасидаги тафовут натижасида келиб чиқадиган хатолар. Хитой тилида гапнинг ҳар бир бўлаги ўзининг маълум бир ўрнига эга бўлиб, улар тартибининг бузилишига йўл қўйиш гап маъносининг ўзгариб кетишига сабаб бўлади. Хитой тилида келишиклар мавжуд эмаслигидан айнан сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар грамматик маънони ифодаловчи вазифани бажаради.
	Морфологик хатолар	Ўзбек ва хитой тиллари морфологик тизимидаги тафовут натижасида келиб чиқадиган хатолар
Лингвокультурологик мазмундаги хатолар	Хитойларнинг когнитив англаш борасидаги стереотипларни билмаслик	Хитой ва ўзбек халқлари маданияти миллий онгидаги турли хил ассоциатив қаторларнинг мавжудлиги натижасида келиб чиқадиган хатолар. Масалан, зооморфизмлар асосида инсонга тавсиф бериш. Хитой тилида 狐男 (hú nán) эркак тулки сўзи кўркам ва ўзига эътиборли эркакка нисбатан қўлланилади.
	Хитой халқининг ўзига хос анъаналари, ақидаларидан хабардор бўлмаслик	Ўзбек маданиятида мавжуд бўлмаган тушунчалар билан боғлиқ хатолар. Масалан, ўзбек маданиятида мавжуд бўлмаган 红包 (hóngbāo) – “қизил ҳамён” тушунчаси хитой анъанавий миннатдорчилик рамзи бўлиб, ичига имкониятдан келиб чиқиб пул солинади. Қизил ҳамён нафақат инсонга берилган совға, балки у вакиллик қилаётган анъана ёки таълимотга берилган эътироф ҳисобланади.
	Хитойча нутқий маданият ва мулоқот этикетини билмаслик	Ўзбек ва хитой ҳамжамиятидаги муомала вазиятларидаги моделлар, коммуникатив хулқ, мулоқотнинг ижтимоий-ролли жиҳатларининг бири-бирига мувофиқ келмаслиги натижасида келиб чиқадиган хатолар

Тадқиқотда ўқитувчининг ташкилий фаолияти ва талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган нутқ ҳаракатларини белгилаб берувчи *имитатив* (тил шакллари ва нутқ қурилмаларини такрорлаш), *таҳлилий – фарқлаш* (нутқ ҳаракатлари ва хатоларни таҳлил қилиш), *тезкор – машғулот* (сўз бирикмаси даражасида намунага кўра машқ қилиш), *конструкцияловчи* (гап даражасида нутқ бирликларини танлаш ва намунага кўра машқ қилиш), *нутқни юзага келтирувчи* (муस्ताқил равишда андоза билан ёки андозасиз нутқни юзага келтириш) ва *ўйин усуллари* (нутқ ҳаракатларини ўйин шаклида бажариш) каби 6 турдаги усул ажратиб кўрсатилди. Ўйин ҳаракатлари асосида тил воситаларини танлаш бўйича ички операциялар мажмуаси ётади, шунингдек, фақат нутқий эмас, балки вазият, ҳолатларга доир қарорларни қабул қилиш вазифалари мавжудлиги инобатга олиниб, доминант усул сифатида ўйинлар танлаб олинди.

Чет тили ўқитиш методикасида, хусусан, оғзаки нутққа ўргатишда турли машқлар тизими илгари сурилади (Е.И.Пассов, В.Л.Скалхин, Ж.Жалолов, Л.Т.Ахмедова) ва улар кўплаб изланувчилар томонидан таклиф этилаётган машқлар тизимларига асос сифатида хизмат қилади. Хитой тилини ўқитишнинг замонавий методикасида оғзаки нутқни ривожлантиришни коммуникатив лаёқат билан узлуксиз боғланган ҳолда олиб бориш тақозо этилади. Т.Л.Гурулева томонидан ишлаб чиқилган коммуникатив лаёқатни шакллантиришга мўлжалланган шуғуллантирувчи тренинг машқлар (энг оддий кўникмалардан малакани эгаллаш даражасигача кўтариш) ва ижодий машқлар (энг оддий малакадан коммуникатив лаёқат талаб қилувчи мураккаб малакаларни эгаллашни назарда тутати)ни ўз ичига олувчи машқлар тизими тадқиқотимиз учун муҳим аҳамият касб этди⁸. Келтирилган манбаларга асосланган ҳолда, хитой тилини ўқитишнинг бошланғич босқичида оғзаки нутқни ривожлантиришда қўлланиладиган умумий мақсад ҳамда тамойилларга эга машқ ва топшириқлар аниқланиб, юқорида келтирилган усулларга мослаштирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хитой тили машғулотларида ўйин методлари асосида талабалар оғзаки нутқини ривожлантириш методикаси**» деб номланади.

Лингвистика соҳасида ўқитиш методи сифатида ўйинлардан фойдаланиш хорижий методикага тааллуқли бўлиб, узоқ йиллар давомида фақат мактаб ўқувчилари учун қўлланилиб, олий ўқув юртларидаги дарс жараёнларига жорий этилиши бир мунча кейинроқ рўй берган. Илм-фан ва техника ривожланиб, телеиндустриянинг ёрқин, ҳиссиётли, ишонтира оладиган намуналари остида ёш авлоднинг ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатди. Бугунги кунда хорижда ўйинлар асосида ўқитиш бўйича халқаро ассоциациялардан SAGSET, шунингдек, турли давлатларда филиаллари мавжуд бўлган NASAGA, ISAGA ҳамда IPA иш бошлаб, ўйинларнинг таълим амалиётига жорий этилиши, ўйин методларини

⁸ Гурулева Л.Т. Практический курс речевого общения на китайском языке. – М.: Восточная книга, 2016. – 448 с.

лойихалаштирувчи ўйин модератори (playworker) номли янги касбнинг пайдо бўлиши ўйин методининг таълим жараёнидаги ўрни салмоқли эканини кўрсатиб келмоқда.

Е.Г.Азимов, А.Н.Щукин ўйинни чет тили дарсларида нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда жонли мулоқот муҳитига максимал даражада яқин муҳитни яратиш мақсадига эга бўлган жамоали ўқув фаолиятини ташкиллаштирувчи шакл, дея таърифлайдилар. Чет тили таълимида ўйин методининг аҳамияти бўйича биз M.Zdybiewskанинг «Чет тилини ўрганишда ўйин самарали восита, айнан ўйин таълим олувчиларга тилни реал ҳаётда қўллайдиган вазиятларни моделлаштириш имкониятини яратиб беради», деган фикрига қўшиламыз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўйин методи бўйича қатор изланишлар (P.Wounters, E.D.Van der Speak, H. Van Oostendorp, P Ayling, Ян Вэнхуй, Дин Дименг) олиб борилган бўлса-да, ушбу метод асосида талабаларнинг хитой тилида оғзаки нутқини ривожлантиришга доир тадқиқотлар кўлами етарли ва тизимли эмас.

Тадқиқотимизда ўйинларнинг метод сифатида талқин этилишида уларнинг психологик (турли илмий мактаблар файласуфлари, тарихчилари, психологларининг ўйин феноменига оид фикрлари), лингвистик (ўйинларга асос бўладиган тил ва нутқ материални танлаш) ва методик (*ўйинларни танлаш, ишлаб чиқиш ва тайёргарлик кўриш; ўйинларни ташкил этиш ва олиб бориш; ўйин натижаларини эълон қилиш*) жиҳатлари ёритиб берилган.

Тадқиқотимизнинг предмети ва объектига мос ўйинларнинг керакли типини аниқлаб олишда ўйинлар типологиясининг таснифи бўйича методик, психологик ва педагогик адабиётлар таҳлил қилинди ва бу борада олимларнинг ўйинларни таснифлашда турли ёндашувларга асосланганини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Ўйинлар таснифи


№	Тадқиқотчилар	Ўйинлар таснифи
1.	К.Селевко: ўйин методикасига кўра	дидактик, сюжетли, ролли, ишбилармонлик, имитацион, драматик
2.	А.Н.Щукин: чет тилини ўқитиш бўйича	тил (фонетик, орфографик, лексик, грамматик), коммуникатив (ижодий)
4.	М.В.Никитин: ўйин қоидаларига кўра	моделлаштириладиган, моделлаштирилмайдиган
5.	Bob Hughes: соғлом фикрлаш даражасига кўра	communication (коммуникатив), creative (ижодий), deep (чуқурлаштирилган), fantasy and imaginative (фантазия ва хаёлот), dramatic (драматизация), exploratory (изланиш), lokomotor (локомотор), mastery (ўзлаштириш), object (предметли), recapitulative (рекапитуляция), role play (ролли), rough and tumble play (қоидасиз), social (ижтимоий), social-dramatic (ижтимоий-драматик), symbolic play (рамзий) ўйинлар
6.	Polona Jančić ва Vlasta Hus: ўйин мазмунига кўра	конструктив, ролли (симулятор), қоидали (домино, лоторея, бинго, карточкали, жисмоний ва мусикали) ўйинлар

Кўринадикки, шу кунга қадар методик умумқабул қилинган дидактик ўйинлар типологияси мавжуд эмас ва бунинг сабабини ўйин фаолиятининг

ривожланиши ортидан вақт ўтиши билан турли мақсадлар ва имкониятларга эга бўлган ўйинларнинг пайдо бўлиши дея изоҳлаш мумкин. Ўйинлар анъанага кўра, табиий ва сунъий ўйинларга бўлинади. Табиий ўйинлар тушунчаси, энг аввало, болалар ўйини, шунингдек, катталарнинг жамиятда мослашиш ва ўзини намоён қилишга қаратилган онгости фаолиятини⁹ ифодалайди. Сунъий ўйинлар ўргатувчи ёки дидактик ўйинларни қамраб олиши билан тадқиқотда алоҳида ўрин касб этади. Бизнинг фикримизча, дидактик ўйинлар продуктив фаолият тури бўлиб, унинг ёрдамида у ёки бу кўникмалар шаклланиши ва ривожланиши, чет тилида мулоқот қилишдаги психологик тўсиқни енгиш, талабаларнинг ижодий салоҳиятини ошириш каби натижага эришишга қаратилган амалиётдир.

Ўйин воситасида лисоний ва нутқий лаёқатни ривожлантиришни изоҳлашда хорижий олимлар томонидан қўлланиладиган лингводидактик ўйин терминидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Соҳа мутахассислари лингводидактик ўйинларни кўнгилочар мазмундаги ва мотивацион элементларни мужассам этган тил ва нутқ машқлари сифатида талқин этадилар.


Тадқиқотда таклиф қилинаётган хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилган лингводидактик ўйинлар типологиясида ўйин ёрдамида ривожлантириладиган кўникмаларга эътибор қаратилган бўлиб, ўқитувчига ўйинларнинг бош мақсадини англаган ҳолда, ривожлантириши лозим бўлган малака ва кўникмаларга кўра, ўйин типини аниқлаб олишга ёрдам беради (1-расмга қаранг).



1-расм. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга йўналтирилган лингводидактик ўйинлар типологияси

⁹Берн Э. Игры, в которые играют люди. Люди, которые играют в игры. – Санкт Петербург – Москва. Исток, 2014. – 556 с.

Тадқиқот жараёнида хитой тили машғулотларида талабалар оғзаки нутқини ривожлантиришга йўналтирилган функционал ёндашувга эга, фонетик, лексик, грамматик ва ижтимоий–маданий мавзулар доирасида гапириш ва тинглаб тушунишда фаол қўлланадиган лингводидактик ўйин-топшириқлар тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган лингводидактик ўйин-топшириқлар тизими

Лингводидактик ўйин-топшириқ – мотивацияни ошириш усули саналиб, ўйин фаолияти, мусобақалашуш, ижро этиш имконияти ёрдамида нутқ ва фикрлаш фаолиятига доир комплекс ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини беради. Ўйин-топшириқлар тизимини ишлаб чиқишда чет тилини ўқитишдаги умумдидактик ва методик тамойилларга таянилды. Ташкилий структур тамойилларнинг **микдорий** (машқ ва топшириқларни ким кўпроқ, ким тезроқ, ким тўғрироқ, ким беҳато бажаради) ва **сифат** (ким аниқроқ, ким қизикроқ, ким

ўзгачароқ ва ҳ.к. нутқ намуналарини айта олади) мезонларига асосланиб, икки асосий гуруҳга ажратилди: *мусобақалашши* хусусиятига эга бўлган ўйинлар ва *вазиятли ижро этиладиган* ўйинлар (ролли ўйинлар, драматизация).

Ишлаб чиқилган лингводидактик ўйин-топшириқларнинг барчаси ўйинларнинг мазмуни ва ташкиллаштириш тамойилларини мажозий маънода ифодаловчи номланишга эга бўлди. Масалан, «Ундош товушларни осон ўрганамиз», «Топилмалар идораси», «Занжирли ҳикоя», «Дубляж устаси» ва ҳоказо. Бунда бошланғич босқичда оғзаки нутқни ривожлантиришда мавзуй йўналтирилганлик ҳамда нутқни юзага келтиришда синтактик воситалар ва композицион усуллардан фойдалана олиш, монолог, диалог, полилог шаклидаги нутқ кўникмаларини ривожлантириш инobatга олинди. Аксарият ўйинларда осон қабул қилинадиган вербал-визуал органайзерлар: расмлар, чизмалар, символлар ўйинларни мантикий ташкиллаштириш ва эстетик вазифаларни бажаради. Ўйинларнинг кўп қисмида хитой халқининг географик, ижтимоий-маданий ҳаёти, менталитети, урф-одатлари, нутқ этикети формаларини ўзида акс эттирган аутентик материаллардан, тез айтишлар, тўртликлар, иборалар ва фон билимлари акс этган кўرғазмали воситалардан фойдаланилди. Ўйинлар мазкур босқич фан дастурида белгиланган тил ва нутқ материалларини муайян изчилликда тўлиқ қамраб олган.

Ҳар бир лингводидактик ўйин-топшириқда ўйин мақсади, ўйинга тайёргарлик, ўйин қондаси аниқ кўрсатилган, баъзиларида «Эътибор беринг!» рукни мавжуд бўлиб, ўйинларни ташкиллаштириш, мураккаблаштириш ва соддалаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Педагогик тажриба-синов ишини ташкил этиш ва ўтказиш**» деб номланиб, унда экспериментал тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилган, эксперимент методикаси ёритилиб, унинг натижалари тавсифланган.

Тажриба-синов ишлари ва уни ташкиллаштиришга қўйилган тегишли илмий-методик талабларга кўра, тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда республикадаги учта ОТМ: Тошкент давлат шарқшунослик институти (университети), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институтида олиб борилиб, унга 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари) таълим йўналишида таҳсил олаётган жами 141 нафар талаба ва 35 нафар хитой тили ўқитувчилари жалб қилинган.

Таъхис ва баъшорат қилиш (прогностик) (2017-2018, 2018-2019 ўқув йиллари) *босқичида* Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган тажриба-синов майдонларида ўрганилаётган муаммо бўйича умумий маълумотга эга бўлиш, педагогик диагностика объектларида муаммо даражасини аниқлаш мақсадида ўқув дастурлари, ўқув-услубий материаллар таҳлили амалга оширилиб, унинг асосида тажриба-синов мақсад ва вазифаларини аниқлаш ҳамда методик таъминот мавзуларини шакллантириш ишлари амалга оширилди. Талаба ва ўқитувчилар ўртасида таъхисловчи сўровномалар ўтказилди.

ОЎМТВ томонидан 744-сонли буйруқ билан тасдиқланган малака талабларида таълим йўналиши бўйича бакалавр босқичи талабаларининг хитой тилини ўзлаштириш даражасини А1 – бошланғичдан бошлаб В2 – эркин мулоқот даражасига олиб чиқиш белгилаб берилган¹⁰. 2018 йилда тасдиқланган «Хитой тили» фан дастурида тил ўқитишнинг бошланғич босқичида талабаларнинг хитой тили ҳақида дастлабки билимлардан бошлаб ўрганилган ўқув ва кундалик ҳаётга оид мавзулар доирасида нутқ фаолиятини шакллантириш асосларини яратиш учун зарур бўлган фонетика, иероглифика, грамматика, лексика (1-семестр давомида 700 та сўз, йил давомида 1500 та сўз ўзлаштирилади)дан минимал билимга эга бўлишлари кўзда тутилган. Аммо босқич якунида талабалар эгаллаши керак бўлган даража аниқ кўрсатилмаган. Шу билан бирга, оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган талаблар миқдори чегараланган. Дастурда машғулотларда ўйин методларидан фойдаланиш кўзда тутилмаганлиги аниқланди. Айнан ўйин методини бошланғич босқичда фаол қўллаш талабалар оғзаки нутқининг ривожланишига, улардаги тилни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошишига хизмат қилади.

